

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУРСУНКУЛОВ АЗИМДЖОН НАЗИРЖОНОВИЧ

**ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА
ДАВОЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ
(кўрсатмалар, техникаси, асратлари ва уларнинг профилактикаси)**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Турсункулов Азимджон Назиржонович

Простата бези саратонини жарроҳлик усулида
даволаш принциплари (кўрсатмалар,
техникаси, асоратлари ва уларнинг профилактика тикаси)..... 3

Турсункулов Азимджон Назиржонович

Принципы хирургического лечения рака
предстательной железы (показания, техника,
осложнения и их профилактика)..... 24

Tursunkulov Azimdjon Nazirjonovich

Principles of surgical treatment of prostate cancer
(indications, technique, complications and their
prevention)..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУРСУНКУЛОВ АЗИМДЖОН НАЗИРЖОНОВИЧ

**ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИНИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА
ДАВОЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ
(кўрсатмалар, техникаси, асратлари ва уларнинг профилактикаси)**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib294 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гайбуллаев Асилбек Асадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Асан тиббиёт маркази (Сеул, Корея Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.А. Гафур-Охунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис уринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги, Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда простата беzi саратони (ПБС) эркаклар орасида кенг тарқалган онкоурологик касалликлардан бири ҳисобланиб, бугунги кундаги долзарб тиббий ижтимоий муаммолардан биридир. ЖССТ маълумотларига кўра, «....АҚШда 174650 эркакда простата беzi саратони ташхисланган бўлса, улардан 60%и ёши катта инсонларга тўғри келиб, онкологик касалликлар орасида ушбу хасталикдан ўлим даражаси иккинчи ўринни эгаллаб, касалликнинг тарқалиш даражаси кун сайин ортиб бораётганлиги қайд қилинмоқда.....»¹. Дунёдаги ПБСни рўйхатдан ўтказувчи агентликларнинг маълумотларига кўра, простата беzi саратони онкологик касалликлар орасида АҚШ ва Швеция биринчи ўринларни эгаллайди: «....йилига простата беzi саратони бўйича 190 мингдан ортиқ янги ҳолатлар аниқланса, уларнинг 32-35 таси ўлим билан тугаши кузатилган.....»². Россия бўйича маълумотларга кўра, ПБС ҳар йили 8 мингдан ортиқ эркакда ташхисланиб, улардан 6 мингтасида ўлим билан якун топади. Простата беzi саратонини замонавий даволаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири - жарроҳлик усули билан даволашнинг оптимал вариантини топиш ва унинг асоратларини камайтириш, хусусан, пешоб тута олмаслик (ПТО) ва эректил дисфункция (ЭД)нинг оддини олиш иборат. Пешобни ушлаб туриш механизмида иштирок этувчи структураларни ўрганиш бўйича ютуқлар қўлга киритилганига қарамай, ушбу масала ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган. Сўнгги йилларда, кўпчилик муаллифлар фикрига кўра, жарроҳлик амалиёти ҳажмини кенгайтириш юқори самарали ҳисобланади, бу эса касалликнинг кайталанишсиз яшаш даврининг давомийлигини ошириш имконини беради. Касалликни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан биридир.

Жаҳонда простата беzi саратонини жарроҳлик усулида даволаш принциплари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада простата беzi саратонини робот ассистирланган, лапароскопик ва очик радикал простатэктомия амалиётида қониқарсиз натижалар олинганда амалга ошириладиган хирургик даволаш тизимини асослаш; ретропубик простатаэктомия амалиётида пациентларда пешоб тутиш ва эректил дисфункция динамикаси ва уларнинг меъёрлаштириш фаолиятига таъсир қилувчи омилларни асослаш; лапароскопик ва робот-ассистрланган простатэктомия амалиётида беморларда пешоб тутиш ва эректил дисфункция динамикасини ва уларни меъёрлаштириш фаолиятига таъсир қилувчи омилларни асослаш ҳамда радикал простатэктомия амалиётидан кейин пешоб тутиш фаолиятининг эрта

¹ЖССТ статистик маълумотлари, 2019.

²World Health Organization. Cancer: fact sheet no.297. World Health Organization website. 2018. www.who.int/iris/handle/10665/244872.

тикланишига йўналтирилган жарроҳлик амалиётининг янги усулларнинг самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавфли ўсма касалликларини камайтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда: «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш.....»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида эркакларда простата беzi онкологик касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашни янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларини камайтириш, беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652–сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5590–сон Фармони. www.Lex.uz

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Простата бези ўсмаларини ўз вақтида аниқлаш клиник онкологиядаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Радикал простатэктомия (РПЭ) – локал простата бези саратонини жарроҳлик усули билан даволашнинг олтин стандарти бўлиб, унинг ёрдамида яшаш давомийлиги 10-15 йилга узайиши мумкин (Д. Ю. Пушкаръ 2018). РПЭ жарроҳлик амалиёти учта усул ёрдамида амалга оширилади: ретропубик простатэктомия, лапароскопик ва робот-ассистент томонидан простатэктомия. Шунингдек, тўртинчи усул ҳам мавжуд бўлиб, бу - радикал перинеал простатэктомия, ушбу усулнинг асосий камчилиги шундаки, у лимфатик тугунларни олиб ташлаш имконини бермайди, шунингдек, бу усулда тўғри ичакнинг зарар кўриши хавфи юқоридир (Матвеев Б.П. 2018). Ретропубик РПЭ жарроҳлик амалиётида узок ўн йилликлар давомида анъанавий усуллардан бири бўлиб келган. Бу техника жарроҳлик амалиётида кенг майдонни қамраб олиши билан бирга, чанок лимфадэктомиясини таъминлаган ҳолда асаб-томир боғламларини зарарламаган ҳолатда простатани олиб ташлаш имконини беради (Efremov E.A. 2018). Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, апикал чегарада мусбат ҳужайралар аниқланиши хавфи юқори (Велиев Е.И. 2018). Лапароскопик РПЭ қўлланилган очик усулдан фарқли равишда, анатомик визуализацияни яхшилаш, қон йўқотиш ва оғриқ синдромини камайтириш, беморнинг тузалиш муддатини қисқартириш мақсадида қўлланилган. (Abdulrahman A., 2019). Робот-ассистент ёрдамида жарроҳлик амалиётини бажариш техникаси анъанавий лапароскопик простатэктомияга мос келишига қарамасдан, фарқли томони жарроҳ бир вақтнинг ўзида камерани икки ёки учта операцион қўллар билан автоматлаштирилган пулт орқали бошқаради. Мазкур жараённинг автоматлаштирилиши ёритилишнинг яхшилиги, қорин бўшлиғининг кучли ва уч ўлчамли тасвири лимфодиссенциянинг аниқ бажарилишини таъминлагани ҳолда юқори натижаларни қўлга киритишга имкон беради. (Huang КН., 2019). РПЭ жарроҳлиги тажрибаси ошиши билан хирургик техникалар ҳам мукамаллашди, ножўя таъсирлар хавфи эса камайди. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, ПБС билан хасталанган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар даражаси юқорилигича сақланмоқда. Иккита энг кўп учрайдиган асорат – пешобни тутта олмаслик ва эректил дисфункция беморларнинг ҳаёти сифатига сезилари таъсир кўрсатади (М.Т.Аль-Харири 2019). Роботлаштирилган операциялардан кейин: асаб толаларининг (0,4%), уретра (0,1%)нинг зарарланиши, ичак тутилиши (0,8%), ректал зарарланиш (0,3%) ва ичак шикастланиши (0,09%), анастомознинг зарарланиши (3,5%) каби асоратлар учради.

Ўзбекистонда простата бези саратонини ташхислаш ва даволаш борасида қатор ишлар бажарилган (Н.М.Рахимов 2018), бироқ простата бези саратонини жарроҳлик усулида даволаш принциплари юқори самарадорлиги, ташхислаш ва даволашнинг оптимал тизими яратилмаган.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ПБС ни ташхислаш ва даволаш клиник онкологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, қуйидаги қатор клиник-диагностик ва даволашнинг тактик хусусиятлари билан боғлиқ: хусусан, ўсманинг жойлашишига боғлиқ ҳолда касалликнинг клиник кечишида специфик симптом комплекснинг бўлмаслиги, простата беи соҳаси структуралари билан ўзаро топографик-анатомик боғлиқлиги, ташхислашнинг мураккаблиги, хирургик аралашувлар ўзига хослиги, касаллик қайталаниши олдини олишнинг самарали усуллари йўқлиги, ПСБдан азият чекаётган беморлар нисбатан ёш ва меҳнатга лаёқатли контингентлигидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №006.01.03002 ракамли «Онкологик касаликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» (2011-2014йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади простата беи саратонини жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

простата беи саратонини робот-ассистент ёрдамида, лапароскопик ва ретропубик радикал простатэктомия амалиёти ўтказилгандан кейин ПБС билан касалланган беморларда кузатилган қониқарсиз натижаларни ўрганиш асосида жарроҳлик амалиётини баҳолаш;

ретропубик простатэктомия амалиёти ўтказилгандан кейин беморларда пешоб тутиш ва эректил дисфункция тикланиши динамикаси ҳамда уларнинг тикланиш жараёнига таъсир қилувчи омилларини баҳолаш;

лапароскопик ва робот-ассистент ёрдамида простатэктомия амалиёти ўтказилгандан кейин беморларда пешоб тутиш ва эректил дисфункция тикланиши динамикасини, шунингдек, уларнинг нормаллашуви тезлашишига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

РПЭдан кейин ўтказилган пешоб тутишнинг эрта тикланишига йўналтирилган жарроҳлик усуллари самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2006-2016 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Уроонкология бўлимида простата беи саратони билан хасталанган ва очик радикал простатэктомия жарроҳлик амалиёти ўтказилган, асосий гуруҳни ташкил этувчи 38 нафар бемор, шунингдек, Корея Республикасининг Чоннам университетининг Хва-Сун клиникасида лапароскопик радикал простатэктомия амалиёти ўтказилган 2-гуруҳни ташкил этувчи 41 нафар ва робот ассистент ёрдамида простатэктомия амалиёти ўтказилган 44 нафар (3-гуруҳ) беморнинг клиник маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ретропубик, лапароскопик, робот-ассистент усуллари билан ўтказилган жарроҳлик амалиётининг эрта ва узок муддатли натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик, радиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

простата беzi саратонини жарроҳликнинг қандай усулида даволашни танлаш учун беморларда касаллик ривожланиши даражасининг паст, ўрта ва юқори хавф гуруҳлари ажратилиши асосий мезон саналиши асосланган;

олиб ташланган простата беzi ўрнидаги фасциал структуралар ва боғламларни максимал даражада тиклаш уретра сфинктер апаратининг эрта тикланишига йўналтирилган радикал простатэктомиянинг муҳим босқичи эканлиги исботланган;

радикал простатэктомия амалиётида уретроцистоанастомоз шакллантирилгандан кейин анастомозни қов суягининг боғламларига бириктириш орқали беморларда операциядан кейинги босқичда пешоб тута олишнинг эрта тикланиш исботланган;

простата беzi саратонини амалиётдан кейинги даврдаги касалликнинг қайталанишини камайитириш, омон қолиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида қовуқ бўйинчасини кенг кесиш усули натижасида жарроҳлик амалиёти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

простата беzi саратонини жарроҳлик йўли билан даволашнинг очик, лапароскопик ва робот-ассистент томонидан бажариладиган усуллариининг қиёсий таҳлили онкологик ва жарроҳлик натижалари бўйича ўтказилиб, юқори технологияли амалиётлар қатор афзалликларга эга бўлади. Лекин юқори технологияли асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган вазиятларда очик жарроҳлик амалиётини қўллаш муҳим ўрин тутиши ҳам инкор этилмайди;

простата беzi саратони билан хасталанган беморларда РПЭ ҳажмида жарроҳлик амалиётини бажаришга тайёргарликда қондаги простатспецифик антигени (ПСА) миқдорини, ўсма жараёни босқичини аниқлаш, ўсма ҳажмини Глиссон шкаласида баҳолаш мажбурий бўлиб, бунда юқори онкологик ва функционал самарадорлик таъминланади;

простата беzi саратони билан хасталанган беморларни жарроҳлик усулида даволашда лапароскопик ёки робот-ассистент ёрдамидаги простатэктомия усулини, агар қарши кўрсатмалар бўлмаса, тавсия этиш мақсадга мувофиқ;

радикал простатэктомия ўтказилган беморларда пешоб тута олмасликни прогнозлаш, таххислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг

услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан қиёсланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва тавсияларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгаллиги, ПБС ни жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади. У ёки бу жарроҳлик усулининг қўлланиши мумкин бўлган ёки тавсия этилмайдиган ҳолатлар аниқланган. Тадқиқотнинг айрим натижалари ПБС билан касалланганларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича клиник ординаторлар, магистрлар ва талабаларни ўқитиш дастурлари мазмуни ва тузилишини такомиллаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот давомида олинган натижалар ПБСни жарроҳлик йўли билан даволашни ривожлантириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш, операция натижаларини яхшилаш, шунингдек, ПБС билан хаста беморлар ҳаёти сифатини пасайтирувчи ушбу операция асоратлари профилактикасида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Простата бези саратонини жарроҳлик усулида даволаш принциплари (кўрсатмалар, техникаси, асоратлари ва уларнинг профилактикаси) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Простата бези саратонида радикал простатэктомия амалиётини эндовидеохирургиядан фойдаланган ҳолда амалга оширишнинг афзалликлари. Пешоб тут олмасликнинг олдини олиш тартиби» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 ноябрдаги 8н-р/496-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома простата бези саратонида РПЭ амалиётини эндовидеохирургик усулда бажариш орқали, ПТОнинг эрта тикланишини таъминлаш, даволаш сифатини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

РПЭдан кейин ПТО нинг оғир асоратлари бўлган беморларни кузатиш бўйича даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган (DГУ 03847, ЭХМ учун дастурий маҳсулот). Таклиф этилган даволаш-ташхислаш алгоритми ва дастурлар РПЭдан кейин ПТОни эрта ташхислаш ва уни даволаш натижаларининг яхшиланишига имкон берди;

простата бези саратонини жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида,

жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент филиали ва “Akfa Medline” кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 ноябрдаги 8н-д/280-сон хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши простата бези саратонини жарроҳлик усулида даволаш беморларга юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, узоқ муддат натижаларини яхшилашга эришиш, пешоб тута олиш муддатини қисқартириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Простата бези саратонининг эпидемиологик жиҳатлари, ташхислаш ва жарроҳлик амалиётининг ўзига хос хусусиятлари, амалиётдан кейинги асоратлар**» деб номланган биринчи бобида простата бези саратонини даволашнинг жарроҳлик усулларини ўрганишга доир маҳаллий ва хорижий адабиётлар манбаи таҳлил қилинган. Простата бези саратони жарроҳлик амалиётининг ривожланиш тарихи, ташхисот усуллари, ПБС бўйича очиқ, лапароскопик ва робот-ассистент томонидан ўтказилган жарроҳлик амалиётларининг бевосита ва узоқ муддатли натижалари таҳлил қилинади, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Клиник кузатишларнинг умумий тавсифи ва тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида

текширилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усуллари тартиби бўйича маълумотлар келтирилган. Мазкур тадқиқотлар РПЭ амалиети ўтказилган, ПБСли 123 нафар бемордаги ретроспектив материалларни ўрганиш бўйича ўтказилган. Простоектомияни РАРП робот – ассистент томонидан ўтказиш бўйича материаллар Корея Республикасининг Чоннам Миллий университетининг Хва-Сун клиникасидан олинган. Тадқиқ этилувчиларнинг асосий гуруҳини ПБС билан касалланган, очиқ РПЭ ўтказилган 38 та бемор ташкил этган; иккинчи гуруҳни эса лапароскопик РПЭ ўтказилган 41 та бемор (Чоннам Миллий университети, Хва-Сун, Корея республикаси); учинчи гуруҳни ПБС билан касалланган ва РПЭ робот-ассистент томонидан ўтказилган 44 та бемор ташкил этган. (Хва-Сун, Чоннам Миллий университети, Корея республикаси).

Барча беморлар Европа Урологлар ассоциацияси тавсифига мос равишда TNM таснифи асосида касаллик босқичини кейинчалик ўрнатиш билан ПБСни верификация қилиш мақсадида стандарт текширувдан ўтказилди. Тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилар: касаллик босқичи бўйича T₁-T₂; метастазланиш белгиларининг мавжуд эмаслиги; ПСА даражаси 20нг/мл дан кам, бемор ёши 78 ёшдан кичик. Киритилмаслик мезонлари: жарроҳлик амалиёти ўтказиб бўлмайдиган беморлар. Касалликни ташхислашда жарроҳлик амалиётига бўлган босқичда ташхиснинг верификацияси ҳал этувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Барча учта гуруҳда ҳам простата безининг аденокарциномаси верификацияланди.

Диссертациянинг «**ПБС билан хасталанган беморларда ўтказилган тадқиқотларнинг ретроспектив таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ПБС клиник кечишининг ўзига хосликлари кўрсатилган, ПБСни жарроҳлик усули билан даволашдаги натижалар қиёсий баҳоланган. РПЭ биринчи гуруҳдаги 38 нафар беморда ўтказилди, уларнинг ўртача ёши $61,1 \pm 3,3$ ёш ни ташкил этди, энг ёш бемор 51 ёшда, энг катта бемор эса 73 ёшни ташкил этди. ЛАРП II гуруҳнинг 41 нафар беморида бажарилди, уларнинг ўртача ёши $63,1 \pm 7,3$ ёшни ташкил этди, бунда энг ёш бемор 52 ёшда, энг катта ёшдаги бемор эса -78 ёшни ташкил этди. РАРП III гуруҳнинг 44 нафар беморида бажарилди, уларнинг ўртача ёши $59,4 \pm 2,1$ ёшни ташкил этди, ПБСнинг энг ёш бемори 49 ёшда энг катта ёшли бемор эса 75 ёшди.

Простата махсус антигени даражасини ўрганиш. I гуруҳда умумий ПМАнинг ўртача даражаси $10,1 \pm 3,9$ нг/мл ни ташкил этди; II гуруҳда у $10,4 \pm 4,1$ нг/мл ни ташкил этди; III гуруҳда $10,7 \pm 4$ нг/мл га мос ҳолда тенг бўлди. Олинган параметрларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият беморларда ПМА даражаси бўсаға белгисидан 4 нг/мл га юқори бўлди, аммо 10,0 нг/мл дан ортиқ бўлмади. ПСА 20,0 нг/мл дан юқори ҳолда аниқланганда беморлар скелет суяқларини суяк метастазларини аниқлаш учун ўтказиладиган текшириш сцинтиграфия текширувини ўтказишга юборилди ва бизнинг тадқиқотларимиздан четлаштирилди (n=9).

Бармоқ ректал текширишлар. Гуруҳда ўтказилган мазкур тадқиқот 89 нафар (72,3%) беморда простата безида патологик ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди, бунда ўчоқлар қуйидаги тартибда тақсимланди: простата безининг ҳар икки бўлагида 35 нафар (39,3%); фақат ўнг қисмида 29 нафар (32,5%); фақат чап қисмида 25 нафар (28,0%) беморда; 123 нафар бемордан 34 нафарида (27,6%) ПБС учун хос бўлган ўзгаришлар мавжуд эмас. I гуруҳда чап томондаги ўзгаришлар (36,%) устунликка эга бўлди; бир неча бор камроқ ўзгаришлар ўнг томонда (34,5%) кузатилди; ҳар икки томондаги ўзгаришлар (28,6%); 35,3% ҳолатда ПБСда ўзгаришлар аниқланмади. II гуруҳдаги энг кам ўзгаришлар чап қисмда (25,0%), ўнг томонда (31,9%); ҳар икки қисмдаги ўзгаришлар энг юқори сонда (38,5%); ўзгаришларсиз (28,3%). III гуруҳда – чап қисмда (28,0%); энг кам ўзгаришлар чап қисмда (25,1%) ҳар икки қисмда (36,4%) ва ўзгаришларсиз бўлган энг юқори сон (42,4%) кузатилди.

ПБС биопсия натижалари 0,49 (0,36±0,69) медиана билан 0,19 дан 1,2 гачани ташкил этган ижобий биопсия устунчалари (хавфли ўсма хужайралари билан) сони мавжудлигини кўрсатди. Мазкур кўрсаткич жарроҳлик аралашувининг онкологик натижаларига таъсир этиши мумкин бўлган хавфли ўсма ўчоғининг шартли ҳажми сифатида ҳам, шунингдек, простатэктомия техникасини танлаб олишда ҳам ҳисобга олиниши зарур, бу эса жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда пешобни ушлаш фаолиятини тавсифлашда аҳамиятга эга бўлади. Тадқиқот ишида ижобий биопсия устунчаларининг нисбий улушини градацияси бўйича беморларни тақсимланиши келтирилган: <0,25 (устунчаларнинг тўртдан бир қисмининг шикастланиши); 0,26-0,5 (устунчаларнинг тўртдан бир қисмидан то ярмигача шикастланиши); >0,5 (устунчалар ярмидан кўпининг шикастланиши). Жарроҳлик амалиёти ўтказилгунга қадар ПБС беморлари касаллигини клиник босқичи локал шаклига мос бўлди, беморлар касаллик босқичларига мос ҳолда қуйидаги тартибда тақсимланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

ПБС билан касалланган беморларнинг клиник босқичлари бўйича тақсимланиши (Халқаро саратонга қарши кураш жамияти классификацияси 2002й)

Клиник босқичлари	РПЭ (n = 38 (%))	ЛАРП(n = 41 (%))	РАРП (n = 44 (%))
T _{1c} N ₀ M ₀	3 (7,9±0,61)	8 (19,5±1,50)	11 (25,0±1,92)
T _{2a} N ₀ M ₀	4 (10,5±0,81)	10 (24,4±1,88)	11 (25,0±1,92)
T _{2b} N ₀ M ₀	14 (36,8±2,83)	11 (26,8±2,06)	11 (25,0±1,92)
T _{2c} N ₀ M ₀	17 (44,7±3,43)	12 (29,3±2,25)	11 (25,0±1,92)

1-жадвалдан кўриниб турибдики, РПЭ ва ЛАРП бажарилган беморлар гуруҳидаги энг кўп сондаги беморлар T_{2b}-c N₀M₀ беморлар гуруҳида кузатилди, РАРП гуруҳидаги беморларда эса касалликнинг ҳар бир босқичидаги беморлар сони бир хил даражада бўлади.

РПЖ беморларида ўтказилган жарроҳлик аралашуви натижаларини баҳолаш ва РЭПнинг жарроҳлик техникасига боғлиқ ҳолда уларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги маълумотлар асосида амалга оширилди: жарроҳлик аралашувини ўтказиш учун сарфланган вақтнинг таҳлили; қўлланилган РЭП усули ва техникасига боғлиқ ҳолда жарроҳлик амалиёти ичида ва жарроҳлик амалиётдан кейинги асоратларнинг юзага келиши; пешоб пуфагини дренажлаш вақти; РЭПнинг турли техникаларини қиёслашда (пешобнинг инконтиненцияси) кузатиладиган, онкологик ва функционал натижалар.

Жарроҳлик аралашувига сарфланган вақтни майда деталларгача таҳлил қилиш учун бизлар унинг алоҳида босқичлари давомийлигини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик. 2-жадвалда турли хил техник ишларни бажариш учун РПЭни амалга оширишга сарфланган вақт оралиқларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

2-жадвал

Жарроҳлик аралашувининг турли усулларида фойдаланган ҳолда
РПЭ асосий босқичларининг бажарилиш давомийлиги

Жарроҳлик амалиёти босқичлари	РПЭ	ЛАРП	РАРП
Корин бушлигига кириш йўлини яратиш (дақиқа)	30,3±0,66 (22,0-35,0)	20,5±0,47 (17,0-27,0)	25,4±0,41 (21,0-29,5)
Лимфаденэктомия (дақиқа)	70,5±0,46 (65,0-75,7)	50,0±0,53 (45,8 - 58,0)	35,8±0,38 (31,3-40,0)
Пубопростатик боғламларнинг тос фасцияларининг йиртилиши	20,0±0,48 (17,0-27,0)	35,3±0,08 *	10,6±0,11 *
Санторини веноз комплексини боғлаш (дақиқа)	15,4±0,47 (8,0-18,5)	25,5±0,38 (22,5-30,0)	12,8±0,22 *
Простатанинг апикал қисмини ажратиш	30,2±0,27 *	25,7±0,40 (22,2-30,7)	15,5±0,06 *
Простата безининг латерал юзалари ва оёқчаларини кесиб ажратиш (дақиқа)	40,5±0,46 (37,3-47,6)	25,9±0,38 (23,1-36,0)	15,9±0,08 *
Уруғ тизимчалари ва қопчаларини ажратиш	25,0±0,09 *	40,0±0,14 *	20,5±0,06 *
Сийдик копи бўйинчасини диссекцияси	17,5±0,20 *	42,8±0,48 (40,5-53,2)	25,8±0,40 (22,0-31,5)
Қовуқ-уретра анастомози (дақиқа)	35,2±0,75 *	90,2±2,23 (78,3-132,6)	28,5±0,46 *
Умумий жарроҳлик амалиёти (дақиқа)	284,6±1,70	355,2±2,55	190,8±0,79 *

Изоҳ: * P <0,001

2-жадвалдаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, РЭПни бажариш учун ўртача вақтнинг энг юқори кўрсаткичи лапароскопик усул билан

бажарилганда (355,9 дақиқа), ундан сўнг – очик усулда бажарилганда (284,6 дақиқа), бажариш учун сарфланган энг кам вақт РАРПни бажаришда (190,8 дақиқа) қайд этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда вақт бўйича энг кўп сарф очик усул билан бажариладиган РАРП ва РПЭга нисбатан таққосланганда усуллари аниқлаш учун жарроҳлик амалиётини ҳар бир босқичини бажаришни тўлиқ кўриб чиқиш зарур, бу эса техник нуқтаи назардан, шунингдек, жарроҳлик амалиёти ичи ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар ривожланиш имкониятининг энг нозик нуқталарини аниқлашга имкон беради. Жарроҳлик йўлагини яратиш учун сарфланадиган асосий босқич ҳамда вақтни кўриб чиқадиган бўлсак, бунда лапароскопик техникани бажариш афзалликларини аниқ кўриш мумкин, чунки бунда вақт фақат жарроҳлик амалиётини ўтказишда қўлланиладиган портларни ўрнатиш учун сарфланади, унга ўртача 18,0-20,0 дақиқа сарфланади, шундан сўнг жарроҳлик аралашувини зудлик билан бошлаш мумкин. Жарроҳлик амалиётининг кейинги босқичи - очик усулдаги лимфаденэктомия ўртача 70,5 дақиқа вақтни олди, бу ЛАРП ўтказилган беморларга – нисбатан -20,5 ва РАРП-35,8 га нисбатан мос ҳолда кам кўрсаткичларни кўрсатди ($P < 0,001$).

ПБСга кейинги ёндашувлар боғламларни кесиш билан тос фасцияларини кесишни ўз ичига олиб, бу жарроҳлик аралашувининг барча усулларида ўртача 21,9 дақиқани ташкил этди, бунда ҳаммасининг ичида энг тез РАРП техникасида -10,6 дақиқа ўтказилди ($P < 0,001$).

Простатанинг апикал қисмини ажратиш бўйича кейинги босқич очик усулда-30,2 дақиқани, ЛАРП-25,7, РАРП-15,5 дақиқани мос ҳолда ташкил этди. Ёнбош юзларнинг диссекцияси бу - жарроҳлик амалиётининг кейинги босқичи бўлиб, очик усул билан бажарилганда у 40,5 дақиқани ва ЛАРПда 25,9 дақиқани, РАРПда мос ҳолда 15,9 дақиқани эгаллайди. РПЭнинг энг мураккаб босқичларидан бири уретроцистоанастомоз (УЦА) ҳисобланади. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, очик усулда уни бажариш учун сарфланган вақт - 35,2 дақиқани, ЛАРП-90,2 дақиқани, РАРПни бажаришда эса мос ҳолда -28,5 дақиқани ташкил этди.

Жарроҳлик амалиёти ичида ва жарроҳлик амалиёти давридан кейин юзага келиши мумкин бўлган асоратлар таҳлили уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлашга имкон беради, кейинчалик эса уларга йўл қўймаслик ҳамда уларни бартараф этиш йўллари белгилаш, табиийки, олиб борилган жарроҳликнинг самарадорлиги ва натижаларини баҳолашда муҳим роль ўйнайди. РПЖдаги жарроҳлик аралашуви усуллари қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, жарроҳлик аралашуви ичида юзага келган асоратлар турлитуман бўлиши мумкин. Бундай турдаги аралашувларни ўтказиш қон кетиши ривожланиши имконияти устидан синчковлик билан назорат олиб боришни талаб этади. Демак, биз олиб борган тадқиқотдаги қон йўқотилиши даражасини баҳолаш таҳлили кўрсатишича, РПЭга очик кириб боришда қон йўқотишнинг ўртача ҳажми 688 дан ортқни (540-703 мл) ни ташкил этади, лапароскопия усули бажарилганда эса – бу рақам 400 мл (320-500 мл) дан ортқни ташкил этади, РАРПда эса -188 мл (120-320 мл)ни ташкил этади ($p < 0,001$). Юқорида баён этилганидек, маълум техник қийинчиликларга эга

бўлган РПЭнинг босқичларидан бири УЦАни шакллантириш ҳисобланади, шунинг учун уларни ўтказгандан сўнг юзага келадиган асоратлар уларни амалда бирикиб кетмаслиги бўлиши мумкин. ЛАРПдан сўнг УЦАнинг бирикиб кетмаслиги қайд этилган гуруҳдаги 5 нафар (12,2%) бемор ҳолатида олинган маълумотлар таҳлилида ўрнатилган дренаж трубкалар бўйлаб (1000 мл дан кўп) клиникада ажралаётган суюқликнинг мавжудлиги кўринишида намоён бўлади. Очiq усул билан РПЭ бажарилган беморларда мазкур асоратлар амалий жиҳатдан қайд этилмади, у фақат СПни узoқ муддатли дренаж қилиш талаб этиладиган 2 нафар (5,2%) беморда кузатилди холос. РАРП техникасида УЦАнинг битиб кетмаслиги фақат 1 нафар (2,3%) беморда қайд этилди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги кечиккан асоратлар таҳлили шуни кўрсатдики, очiq усул билан РПЭ ўтказилгандан сўнг беморларнинг 6 нафар (17,6%) ида лимфореянинг (кун давомида 700 мл дан кўп), юзага келиши қайд этилди, ЛАРПда -3 (7,3%), РАРПда - 1 нафар (2,3%).

Радикал простатэктомиа жарроҳлик амалиётининг турли хил техник усуллари кўллаганда жарроҳлик амалиёти давомида ва амалиётдан кейинги асоратлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Радикал простатэктомиа жарроҳлик амалиётининг турли хил техник усуллари кўлланганда жарроҳлик амалиёти давомида ва амалиётдан кейинги асоратлари

Кўрсаткич	РПЭ (n=38)	ЛАРП (n=41)	РАРП (n= 44)
Қон йўқотиш ҳажми, мл	600±8,67 [540,1-703,2]	300±5,30 [280,2-450,3]	188±9,60 [120,8-320,4]
Гемотрансфузия,%	39,5±7,93	12,2±5,11	0,0 *
Қовуқ уретра анастомозининг номутаносиблиги, %	5,2±3,62	4,9±3,36	2,3±2,25
Қовуқ катетеризацияси, кун	20,0±0,18 *	14,3±0,51	10,4±0,11 *
Лимфорея,%	15,8±5,92	7,3±4,07	2,3±2,25
Пешоб тута олмаслик,%	84,2±5,92	14,6±5,52	4,5±3,14
Жарроҳлик амалиётининг давомийлиги, дақиқа	284,6±1,7	355,9±2,55	190,8±0,79 *
Стационар шароитида даволанишнинг давомийлиги, кунлар	21,7±0,56	17,7±0,47	9,1±0,32 *

Изох:Р> 0,05 – ретропубик простатэктомиянинг нисбатан сезиларли даражада

РПЭ ўтказилгандан сўнг беморларда юзага келадиган пешоб тута олмаслик ижтимоий мослашувнинг мураккаблашувига олиб келувчи оғир асоратлардан бири ҳисобланади. РПЭ очiq усулда кўлланилганда бу асорат 32 нафар (94,1%) беморда қайд этилди, бу ҳолат беморларда тана ҳолати ўзгарганда, юрганда юзага келди ва бемор горизонтал ҳолатда бўлганда кузатилмади. Фақат 2 нафар (6,2%) беморда пешоб тута олмаслик кузатилмади ва меъёрадаги пешоб ажралиши тикланди. Беморларнинг

аксарият қисмида функциялар меъёрлашиши жарроҳлик амалиётидан кейинги 3-4 ой давомида кузатилди. 3 ойдан сўнг у 21 нафар (65,6%) беморда тикланди, 6 ойгача 29 нафар (90,6%) беморларда тикланди, 6 ойдан сўнг эса 3 нафар (9,3%) беморларда пешобни қисман тута олмаслик сақланиб қолди. ЛАРП техникасини қўллаш билан РПЭ ўтказилганда инконтиненциясиз тикланиш 4 кунда юзага келди ва фақат 6 нафар (14,6%) беморда қисман пешобни тута олмаслик кузатилди, у жарроҳлик амалиёти ўтказилган вақтидан бошлаб, 3 ойдан сўнг бартараф этилди. РАРП техникаси қўлланганда катетр олиб ташлангандан сўнг 1-3 кунда мазкур асорат 2 нафар (4,5%) беморда кузатилди, кузатишларнинг 3 ойига келиб фақат 1 нафар (2,3 %) беморда мазкур асоратлар сақланиб қолди. Мазкур асоратларни ўрганиш мақсадида жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан сўнг 1,3,6 ва 12 ойдан сўнг пешоб тута олиш даражасининг кўрсаткичлари аниқланди.

4-жадвал

Радикал простатэктомия жарроҳлик амалиётининг турли хил техник усуллари қўлланган беморларда 6 ва 12 ойдан кейинги ПТО даражаси

Кўрсаткичлар	РПЭ	ЛАРП	РАРП
6 ойлик кузатувдан кейин			
Пешобни тўлиқ ушлаб тура оладиган беморлар сони	29 (76,3±6,9) *	35 (85,4±5,52) *	43 (97,3±2,25) *
Пешоб тута олмайдиган беморларда, ICIQ-UI SF баллари	9 [7; 12] *	5 [3; 7] *	3 [2; 5] *
Пешоб тута олмайдиган беморлардаги кунлик фойдаланиладиган тагликлар сони	2 [2; 6]	1 [1; 3] *	1 [1; 2] *
12 ойлик кузатувдан кейин			
Пешобни тўлиқ ушлаб тура оладиган беморлар сони	35 (92,1±4,37) *	41 (100%) *	44 (100%) *
Пешобни тута олмайдиган беморларда, ICIQ-UI SF баллар	4 [2; 5]	-	-
ПТО беморлардаги кунлик фойдаланиладиган тагликлар сони	1 [1; 2]	-	-
Пешоб тута олиш тиклангунгача бўлган вақтнинг медианаси, ойларда	6,5 [4; 11]	3 [2; 9]	2 [1; 3]

4-жадвалда қиёсий гуруҳларда жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан сўнг 6 ва 12 ойдан кейинги муддатларда континенция даражаси (пешоб тутиш)нинг кўрсаткичлари келтирилган.

Пешобни тўлиқ ушловчи беморлар сони орасида энг яхши натижа РАРП ўтказилган (97,8%) ПБСли беморларнинг III гуруҳида қайд этилди, бунда I-II гуруҳ натижалари баъзи фарқларга (76,3% ва 85,4% мос ҳолда) ($p=0,027$) эга бўлди, аммо қониқарли ҳисобланди. ICIQ-UISFни аниқлаш бўйича ўтказилган сўровноманинг кўрсатишича, РАРП ва ЛАРП қўлланганда пешоб тутолмайдиган беморлар сони РПП гуруҳи билан солиштирилганда мос бўлган беморлар сони 9 нафарни ($p=0,004$) ташкил этди. Беморлар томонидан

фойдаланилган тагликлар сони РППли беморлар гуруҳида - 2, бунда ЭВРП ва РАРП гуруҳларида -1 нафар ($p=0,001$) беморда қайд этилди. Жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан сўнг 12 ой ўтиб олиб борилган кузатишларнинг кўрсатишича, гуруҳлардаги пешобни тўлиқ тутиб қолувчи беморларнинг улуши - 92,1%, 100%ни мос ҳолда ташкил этди ($p=0,031$), бу ҳолат, шунингдек, ICIQ-UISF-сўровномаси учун ҳам хос бўлиб, бу ерда ЭВРП ва РАРП гуруҳидаги беморлар орасида пешоб тутолмайдиган беморлар умуман учрамади, фақат РПЭли гуруҳдаги 3 нафар беморда у сақланиб қолди. Ўрганилаётган гуруҳларда пешобни ушлаб қолиш фаолиятини тикланиш вақт медианасини ўрганиш РПЭли беморлар гуруҳида энг юқори - 6,3 ой ва ЛАРП гуруҳида - 3 ва РАРП гуруҳида -2 ой сезиларли даражада кам бўлди, бу яшовчанликнинг регрессион таҳлили ёрдамида солиштирилганда статистик жиҳатдан ишончли бўлди, ($p=0,027$).

Эректил дисфункция (ЭД) - РПЖли беморларда жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан сўнг уларда учраши мумкин бўлган асоратлардан бири ҳисобланади. Мазкур тадқиқотда ЭД тикланишини баҳолаш IIEF (Эректил функция-5 Халқаро индекс) анкета сўровномасини қўллаш билан ўтказилди, у кўплаб тадқиқотчилар томонидан қўлланиладиган стандарт усуллардан бири ҳисобланади. СНПни сақлаш билан бажариладиган жарроҳлик аралашувларини ўтказишда сўровномадаги баллар йиғиндиси 21 дан ортиқни ташкил этади - у қониқарли ЭФга мос келади.

5-жадвал

Радикал простатэктомиа амалиётидан сўнг беморлар эректил фаолиятининг тикланиш даражаси

Кўрсаткичлар	РПЭ	ЛАРП	РАРП
6 ойлик кузатувдан кейин			
Эректил фаолияти тикланган беморлар сони	13 (34,2±7,7)	17 (41,4±7,69) *	21 (47,7±7,53) *
IIEF-5 сўровномаси бўйича эректил фаолияти тикланмаган беморлар сони, баллари	7 [4; 9]	11,7 [10,3; 12,2] *	14,3 [11,5; 17,5] *
12 ойлик кузатувдан кейин			
Эректил фаолияти тикланган беморлар	18 (47,4±8,10)	26 (63,4±7,52) *	32 (72,7±6,71) *
IIEF-5 сўровномаси бўйича эректил фаолияти тикланмаган беморлар сони, баллари	9 [6,5; 11,3]	14,6 [9; 15,1] *	16 [13; 18] *
Эректил фаолият тиклангунгача бўлган вақтнинг медианаси, ойларда	10 [4; 11]	7 [4; 10]	6 [3; 13]

Изох: * $p < 0.05$ - РППга нисбатан

Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, асаб толаларини сақлаш билан жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар сони РПЭ гуруҳида - 16 нафар (42,1%); ЭВРП - 11 нафар (26,8%); РАРП - 13 нафар (29,5%)ни ташкил этди.

Маълумки, ПБСли беморлардаги асоратлардан бири бўлган ЭДнинг олдини олиш учун радикал жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг бир ой ўтиб, 5-типдаги (силденафил 50 мг дан кунига бир марта) фосфодиэстеразаларнинг ингибиторлари медикаментоз буюрилади (114, 479-486).

5-жадвалда жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан 6 ва 12 ой ўтиб, ўрганилаётган гуруҳлардаги натижалар бўйича қиёсий баҳолаш келтирилган. Демак, ЭФ тўлиқ тикланишли беморларда жарроҳлик ўтказилгандан сўнг 6 ойдан кейинги муддатларда энг юқори кўрсаткичлар РПЭли гуруҳдаги беморларга қарши - 34,2; РАРПли беморларда ва ЛАРПли беморларда -47,7% ва 41,4% мос ҳолда қайд этилди, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p=0,013$). ПЕФ-5 сўровномаси натижаларига кўра, шунингдек, энг юқори баллар сони РАРП ва ЛАРП ўтказилган беморларда қайд этилди, у РПЭ-7 га нисбатан солиштирилганда -14,3; 11,7га мос ҳолда тўғри келди, шунингдек, у ҳам статистик жиҳатдан муҳим ҳисобланди ($P=0,008$). 12 ойдан сўнг тикланган ЭФ бўлган беморлар сони РАРП ва ЛАРП гуруҳида РПЭ гуруҳига нисбатан солиштирилганда -47,3%ни ташкил этган ҳолда ($P=0,018$) энг юқори миқдорда 72,7% ва 63,4%ни мос ҳолда ташкил этди.

РАРП ва ЛАРП гуруҳидаги ЭФнинг тўлиқ тикланмаслиги бўлган беморлардаги ПЕФ-5 сўровномаси бўйича баллар миқдори таҳлили, ишончли равишда, юқори ва статистик аҳамиятли - 16; 14 баллга мос ҳолда бўлди, яъни баллар сони - 9 ($p=0,010$) ни ташкил этган РПЭ гуруҳига нисбатан солиштирилганда ЭФнинг тикланиши юқори сифатининг таъминланиши қайд этилди.

Шунингдек, ЭФ тиклангунча бўлган вақт медианасининг таҳлили РПЭга нисбатан солиштирилганда РАРП ва ЭВРП усулларини қўллашнинг аҳамияти янада юқорилигини тасдиқлади. Бунда қиёсий гуруҳларда ЭФнинг тикланиш тезлиги 6 ойгача бўлиши фарқ қилмади, аммо кейинчалик РАРП ва ЭВРП қўлланган беморларда РПП билан таққосланган беморларда - 10 ой ЭФни янада эрта - 6; 7 ойгача мос ҳолда тикланиши қайд этилди.

Диссертациянинг «**ПБС билан хасталанган беморларни жарроҳлик усулида даволаганда пайдо бўлувчи асоратлар профилактикаси**» деб номланган тўртинчи бобида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар олдини олишнинг тактик хусусиятлари баён этилган.

ПТОнинг олдини олиш мақсадида бошқа усулларни қўллаш имконияти юзага келганда пубопростатик боғламларни сақлаш усули қўлланилди, у онкологик радикализм ва функционал фаолликни сақлашни таъминлаш учун маълум шароитларни талаб этади.

Мазкур бобда РПЖли беморларда РПЭ ўтказилгандан сўнг ПТО нинг олдини олишдаги асосий усуллар таҳлили келтирилган. Ҳозирги кунда

қўлланиладиган инновацион усуллардан бири слингли жарроҳлик амалиётини ўтказиш ҳисобланади, унинг асосий мақсади ПТО ва ЭД каби РПЭдан кейинги юзага келган асоратларни енгиб ўтиш ҳисобланади. Слинг ўрнатилган унча кўп бўлмаган беморлар таҳлили уларнинг самаралилигини кўрсатди, бунда 28,2% беморда пешобни тўлиқ тутилиши қайд этилди, 19,6% беморда кун давомида тўшамалар сони 2 тадан кўп бўлмади, мазкур гуруҳ учун пешобнинг сирқиб чиқиши фақат тана ҳолати ўзгарганда кузатилди.


Слинг тизимини ўрнатишдаги асоратлар сони нисбатан юқори эмас, бунда энг кўп учрайдигани пешобни ўткир тутилишидир, конструкцияни олиб ташлаш талаб этиладиган жарроҳлик амалиёти ичида ва жарроҳлик амалиётидан кейинги бошқа жиддий асоратлар амалий жиҳатдан юзага келмаслиги аниқланди. Бу РПЭ ўтказилгандан кейин беморларда юзага келадиган ПТОни коррекция қилиш ва даволаш учун ушбу усулни қўллашга имкон беради.

ПТО ни енгиб ўтиш усулларида яна бири маълум шароитлар мавжудлигида пубопростатик боғламларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Биринчи навбатда, уларга ПБСнинг унча катта бўлмаган ўлчамлари, шунингдек, ПБнинг уч соҳасида жойлашган хавфли ўсманинг ўрни киради, бу уни бошқа боғлов аппаратини шикастлантормасдан тўлиқ сафарбар этилиш имкониятини таъминлайди. Худди олдинги усул каби мазкур усул ҳам ушбу тур каби жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун етарли тажрибага эга бўлган техник тайёрланган жарроҳлик бригадаси билан таъминланиши талаб этилади.

ПБС беморларида пешобни тутиш мақсадида қўлланиладиган бошқа профилактик усул Кегел машқлари ҳисобланади, улар пешоб тутишнинг функционал қобилиятини таъминлайдиган тос туби мушаклари ва детрузорни машқ қилиш учун ўтказилади.

РПЭ ўтказилгандан сўнг беморларда ПТО нинг олдини олиш бўйича усуллар таҳлилини ўтказиш ПБСли беморларда даволаш-ташхислаш ёндашуви алгоритми яратилишига олиб келди, у РПЭдан сўнг пешоб тутмаслик каби асоратлар юзага келганда функцияларни тиклаш мақсадида амалга оширилди, у ўз вақтида қўлланилганда, шунингдек, мазкур алгоритмда кўрсатилган асосий талабларга риоя этилганда ПТО кўринишларини муваффақиятли бартараф этиш ёки камайтириш имкониятини беради.

Турли усулларда ўтказилган РПЭ амалиётидан кейинги беш йил давомида беморларнинг яшовчанлиги таҳлили шуни кўрсатдики, РАРП гуруҳида, амалиётдан кейин 10 ой ўтиб бир бемор вафот этган (1та бемор), 44-ойда иккинчи ҳолати ўлим қайд этилмаган (1та бемор вафот этган) ва 53 ойда, яна 1 бемор вафот этган. Шундай қилиб, мазкур гуруҳдаги умумий 44 беморлардан, 5 йиллик кузатув даври давомида 3 та бемор вафот этган.



1-расм. ПБС билан хасталанган беморларни турли хил усулдаги РПЭ амалиети ўтказилгандан кейинги 5 йил мобайнидаги яшовчанлиги

РПП ва ЛАРП ўтказилган гуруҳлар қиёсланганда беморларнинг яшаб қолиш даражаси қуйидагича: ПБС билан хаста беморларда ўлим ҳолати РПП ўтказилган гуруҳда 14 ойдан кейин бошланиб (1та бемор), умумий ҳисобда кузатиш даврида гуруҳдаги 39 бемордан 11таси вафот этган. ЛАРП ўтказилган гуруҳда эса яшаб қолиш давомийлиги РПП ўтказилганларга нисбатан юқори бўлди. 11-ойдан бошлаб беморлар ўлими (1та бемор) кузатилди, беморлар умумий сонидан келиб чиқиб кузатиш даври мобайнида, 41 бемордан 7таси вафот этди (1-расмга қаранг).

ХУЛОСАЛАР

«Простата беzi саратонини жарроҳлик усулида даволаш принциплари (кўрсатмалар, техникаси, асоратлари ва уларнинг профилактикаси» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Простата беzi саратонини жарроҳлик амалиёти билан даволашнинг очиқ, лапароскопик ва робот-ассистенцияли усулида амалга ошириладиган усулларида амалиётни бажаришнинг қиёсий таҳлилидан аниқландики, онкологик ва жарроҳлик амалиёти натижалари бўйича юқори технологияли амалиётлар катта афзалликка эга, аммо юқори технологияли асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган вазиятларда очиқ жарроҳлик амалиётининг ўрни муҳимлигини инкор этмайди.

2. Ўрганилган гуруҳларда жарроҳлик амалиётидан 12 ой ўтгач, пешобни тута олмасликни тиклаш муддатлари, РАРП ва ЛАРП гуруҳларида аналогик тартибда-97,8%; 85,4%ни; очиқ радикал простатэктомия гуруҳида 76,3% ($P=0,031$)ни ташкил қилди. 12 ойдан кейин эректил фаолиятининг тикланишининг баҳолашда РАРП ва ЛАРП гуруҳларида тикланишнинг энг юқори даражаси, мос равишда, -72,7% ва 63,4%; бироқ очиқ радикал простатэктомия гуруҳида 47,3% ($P=0,018$) ни ташкил қилди.

3..Радикал простатэктомиядан сўнг пешоб тута олмаслик ва эректил дисфункция пайдо бўлишига бевосита таъсир қиладиган қуйидаги энг муҳим омиллар: ёш омили, простата беи ўрта қисмининг катталашиши, қолдиқ пешоб мавжудлиги ва пастки сийдик йўллари симптоматикасининг мавжудлиги, шунингдек, амалиёт вақтида олиб ташланган простата беи ўрнидаги фасциал тузилмаларни тиклаш ва амалиётдан сўнг дастлабки кунлардан бошлаб Кегел машқларининг бошланиши пешобни тутиб туришни эрта тиклашга ёрдам бериши аниқланди.

4.Динамик ёки мультипараметрик МРТ натижаларига кўра, мўлжалли биопсия ўтказиш, қондаги ПСА микдори ва патологик ҳисобот натижаларига кўра хавф гуруҳи, касаллик босқичини аниқлаш ва гистологик текширувда мусбат қаторлар сони, Глиссон шкаласини аниқлаш, шунингдек, амалиётдан олдин прогношлаш нормограммаларидан фаол фойдаланиш жарроҳлик усулидан қатъи назар юқори онкологик ва функционал натижаларга эришишда муҳим ўрин тутади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТУРСУНКУЛОВ АЗИМДЖОН НАЗИРЖОНОВИЧ

**ПРИНЦИПЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ РАКА
ПРЕДСТАТЕЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗЫ
(показания, техника, осложнения и их профилактика)**

14.00.14 – Онкология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.1.PHD/Tib294.

Диссертация выполнена в Ташкентской Медицинской Академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cancercenter.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гайбуллаев Асилбек Асадович доктор медицинских наук, профессор Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Медицинский центр АСАН, (Сеул, Республика Корея)

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2020 года).

М.А. Гафур-Ахунов,
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А. Адилходжаев,
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Х. Ходжибеков,
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

